

Сийрат дарслари (57-дарс). Икки лаънат келтирувчидан сақланинглари!



16:05 / 01.11.2019 4414

285. Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ва у зотнинг аёлларидан бири бир идишдан ғусл қилишар эди».

Бухорий ривоят қилган.

286. Умму Қайс бинт Миҳсон розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«У ҳали овқатга кирмаган ўғилчасини Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга олиб келди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уни қучоқларига ўтқизган эдилар, бирдан кийимларига бавл қилиб юборди. Шунда у зот сув олдириб келиб, унинг устига сепдилар, лекин ювмадилар».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

287. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Икки лаънат келтирувчидан сақланинглари», дедилар. «Эй Аллоҳнинг Расули, икки лаънат келтирувчи нима?» дейишди. «**Одамларнинг йўлига ва соя жойга хало қилиш**», дедилар».

Муслим ва Абу Довуд ривоят қилишган.

288. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Бирортангиз қазои ҳожатга ўтирса, қиблага юзланмасин ва унга ортини ҳам қилмасин»**, дедилар».

Муслим ривоят қилган.

Бошқа ривоятда шундай келган: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Мен сизларга худди отанинг ўрнидаман, сизларга таълим бераман. Қачон бирортангиз қазои ҳожатга борса, қиблага юзланмасин ва унга ортини ҳам қилмасин. Ўнг қўли билан тозаланмасин»**, дедилар. Ва учта тош (ишлатиш)га буюрар ҳамда тезак ва суяк (ишлатиш)дан қайтарар эдилар».

Абу Довуд, Насоий ва Ибн Можа ривоят қилишган.

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан